



SOME COMMENTS ABOUT THE PLACE OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE GEOPOLITICAL SITUATION AT THE BEGINNING OF THE 19TH CENTURY

Akhmadjon Khalikulov

Candidate of historical sciences, associate professor

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara, Asian-African countries, empire, Central Asia, khanates.

Abstract: This article analyzes and discusses the role of the Bukhara Emirate in the geopolitical situation at the beginning of the 19th century.

Received: 04.11.22

Accepted: 06.11.22

Published: 08.11.22

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ XIX БОШЛАРИДА ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аҳмаджон Холиқулов

Тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Миллиу университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро, Осиё-Африка мамлакатлари, империя, Ўрта Осиё, хонликлар.

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро амирлигининг XIX бошларида геосиёсий вазиятда тутган ўрни таҳлил ва муҳокама қилинган.

НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ О МЕСТЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА В ГЕОПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В НАЧАЛЕ XIX В.

Ахмаджон Халикулов

кандидат исторических наук, доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухара, азиатско-африканские страны, империя, Средняя Азия, ханства.

Аннотация: В данной статье анализируется и обсуждается роль Бухарского эмирата в геополитической ситуации начала XIX века.

КИРИШ

XIX аср иккинчи ярми Осиё-Африка мамлакатлари, шунингдек, дунёнинг етакчи мамлакатлари учун ҳам кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган давр саналади. Осиё-Африка учун бу давр сиёсий ва иқтисодий мустақилликни деярли бутунлай йўқотиш даври бўлган бўлса, Европада бўлинган давлатларни қайта бўлиб олиш ва босиб олинган ҳудудларнинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятини ўз эҳтиёжлари учун мослаштириш даври бўлди. Россия империяси ҳам бу жараёнлардан четда қолмади. Россиянинг Франция (1814), Туркия (1829) ва Эрон (1828) давлатлари устидан ғалаба қозониши унинг Европадаги каби Осиёдаги геосиёсий мавқеини мустаҳкамлаб, савдо-иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан глобал миқёсда таъсир ўтказиш қобилиятини оширди ва мазкур жабҳаларда асосий позицияни эгаллаш имкониятини юзага келтирди. Ҳукукий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган афзалликлар (Шомония, Вена, Андрипол, Туркманчай шартномалари) Россия империясига Европа ва бутун Ўрта Шарқда ҳаракат эркинлигини таъминлади. Унинг бундай гегемонлика эришиши Кавказ, Эрон, Ўрта Осиё ва уларни бирлаштириб турувчи Каспий денгизининг стратегик нуқталарида Россия ҳукмронлигини ўрнатишни назарда тутар эди.

АСОСИЙ ҚИСМ

XVIII–XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида Бухоро амирлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда нисбатан қудратлироқ бўлиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа давлатлар билан дипломатик, иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Жумладан, Ўрта Осиёдаги Англия-Россия рақобати бу даврдаги муносабатларининг умумий муаммосида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бухоро амирлиги ўзининг географик жойлашуви, стратегик ва иқтисодий аҳамияти туфайли доимо Россия ва Англия ўртасидаги кескин иқтисодий ва сиёсий рақобат марказларидан бири бўлиб келган.

XIX аср бошларида Европа мамлакатларида капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши Россия каби ҳарбий идора усулига асосланган давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Европанинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган мамлакатларида фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар, Россиянинг нисбатан анча орқада бўлган завод-фабрикаларига ҳам кириб кела бошлади. Натижада Россияда саноат ишлаб чиқариши (айниқса, тўқимачилик саноати) ривожланиб, бу ўз навбатида капиталистик муносабатларнинг тезлашишига олиб келди. Бироқ Россиянинг малака жиҳатидан Европадан нисбатан орқада бўлган ишчилари тайёрлаган маҳсулотлар Европа бозорларидаги рақобатга бардош бера олмасди.

Бухоро ва Россия ўртасида ўрнатилган мустаҳкам савдо алақалари натижасида рус капитали Бухоро бозорларида узоқ вақтлар монопол мавқе касб этади. Рус ҳукуматининг наздида “барча Осиё бозорлари сиёсий муносабатлар ва географик жойлашуви жиҳатидан рус мануфактура маҳсулотлари учун берилган имтиёз” бўлиши керак эди. XIX аср биринчи чорагида Россия Ўрта Осиё бозорларида мустаҳкам ўрнашиб бўлган эди. Бухорода Россиядан олиб келинган мисдан тангалар зарб этилар, уй-рўзғор буюмлари, темирдан эса қишлоқ хўжалиги қуруллари ясалар эди.

XIX аср 20-йилларидаёқ инглиз саноат маҳсулотлари Ўрта Осиё бозорларига кириб кела бошлайди. Инглиз саёҳатчиси Канолли ўзининг “Ҳиндистоннинг шимолига саёҳат” номли асарида инглиз товарларининг русларникига қараганда қиммат бўлишига қарамасдан яхши сотилаётганлигини, инглиз молларининг нархи рус моллари каби нархларда сотилса, улар русларни Ўрта Осиё бозорларидан сиқиб чиқаришлари мумкинлигини қайд этади. Шунингдек, у Балх орқали Ўрта Осиёга ўз маҳсулотларини жўнатаётган инглиз савдогарлари катта фойда кўраётганликлари таъкидлайди.

Албатта, Каноллининг юқоридаги фикрига қўшила олмаймиз. Чунки инглизлар русларга фақат ип-газламалар савдосида рақобатчи бўла оларди. Қолган савдода, масалан, металл ва тайёр буюмлар соҳасида устунлик руслар томонда эди. Шунингдек, инглизлар ўз молларини нақд олтинга сотиб, маҳаллий товарларини сотиб олмас эдилар. Руслар эса, ўз молларини сотиш баробарида маҳаллий маҳсулотлар харидори ҳам эди. Шу жиҳатдан инглизларнинг Ўрта Осиёга қилган иқтисодий юришлари муваффақиятсизликка учраши муқарар эди.

Ост Индия компанияси лейтинанти Александр Борнс Бухоро бозорларидаги четдан келтирилган товарлар ичида рус маҳсулотларининг инглизларникига нисбатан устунлигини санаб ўтади. Шунингдек, 1843-1845 йилларда Бухорода бўлган инглиз жосуси Ж.Вульф ҳам Бухорода 300 га яқин ҳинд савдогарлари бўлишига қарамасдан, бозорларда сотилаётган молларнинг асосий қисмини рус товарлари ташкил этишини таъкидлаб ўтиди.

Маълумотларга қараганда, инглиз саноат моллари Ўрта Осиё бозорларига биринчи марта 1825 йилда кириб келган эди. Ушбу молларнинг Бухорога кириб келиши Россия ҳукмрон доиралари орасида муҳокамага сабаб бўлиб, Осиё савдо кўмитасида кўриб чиқилган.

XIX асрнинг 20-40-йилларида хонликлар ҳудуди Англия тасарруфи остидаги Ҳиндистон орқали юборилган махсус миссиялар орқали синчиклаб ўрганила бошланади. 1819-1825 йилларда Буюк Британия ҳукумати томонидан Бухорога Ҳиндистон орқали В.Муркрофт ва Г.Требек бошчилигидаги экспедиция юборилади. Уларнинг расмий

мисияси Ост-Индия компаниясининг отлик аскарларига “зотдор отларни кидириш”дан иборат бўлиб, аслида эса улар Бухоронинг ҳайвонот дунёси билан эмас, балки унинг бозорларини қандай қилиб забт этиш билан қизиққанлар. Г.Требекка босиб ўтган барча йўллари хари́тага тушириш вазифаси юклатилади. Ушбу экспедицияга расмий сиёсий мақом берилмайди. В.Муркрофтга от заводининг бошқарувчиси сифатида маош ажратилиб, савдогар қиёфасида саёҳатга чиқади.

XIX аср 30-йилларида рус мануфактурачилари Ўрта Осиё бозорларида иқтисодий жиҳатдан мустақкам рақобатчи – инглизлар билан тўқнашади. Инглиз буржуазияси ўз саноат маҳсулотлари учун янги бозорларни қидириб топиш ва саноат инкирозидан чиқиш мақсадида Эрон, Ўрта Осиё хонликлари ва Ҳиндистонга қўшни бўлган давлатларга катта эътибор қарата бошлайди. Ҳиндистон билан монопол савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ост Индия компанияси XIX аср иқтисоди талабларига жавоб бера олмасмаслиги туфайли Англия буржуазияси доираси босими билан ушбу ҳуқуқдан маҳрум этилади. Натижада йўқотилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Ост Индия компанияси ўз саъий-ҳаракатларини Ўрта Осиё бозорларига йўналтиради. 20-йилларданок инглиз монополистлари Ўрта Осиё бозорларидан инглиз товарлари нарҳини тушириш эвазига рус товарларини сиқиб чиқариш режасини ишлаб чиқади. Бунинг учун Ҳинд дарёси бўйлаб кемалар қатновини қўлга қўйиш ва ўз маҳсулотларини Ўрта Осиёга арзон етказиш лозимлиги қайд этилади.

Ўрта Осиёнинг географик ва иқтисодий аҳволи ҳамда савдо муносабатларини ўрганиш мақсадида Ост Индия компанияси бир қанча сиёсий экспедициялар уюштиради. Масалан, 1831-1833 йилларда Ост Индия компанияси лейтенанти Александр Борнс Ҳинд дарёси орқали Лаҳорга, у ердан Кобул ва Бухорога келади. У ўзининг саёҳати давомида савдо йўллари ва марказлари, олиб чиқиладиган ва олиб келинадиган моллар ҳақида маълумотлар тўплайди. Борнс, шунингдек, Ўрта Осиёга кириб келаётган рус саноат маҳсулотларини алоҳида қизиқиш билан ўрганиб, Бухоро бозорларига кириб келаётган рус товарларининг рўйхатини тузади ва Шарқда – Афғонистонда, ҳатто Ҳиндистонда сотилаётган рус молларини ҳам ўрганади. Ост Индия компанияси Ўрта Осиё бозорларидан рус саноат маҳсулотларини сиқиб чиқариш, маҳаллий савдогарларини ўзларига жалб қилиш, ҳамда Нижний Новгород ярмаркасига боришдан чалғитиш мақсадида худди шунинг каби савдо нуқтаси ташкил қилишни режалаштиради. Бунинг учун А.Борнс Ҳинд дарёсининг ўрта оқимида (ҳозирги Панжоб вилояти) жойлашган Дера Ғозихон мавзесини таклиф қилади.

Инглизлар дастлаб, XIX асрнинг 20–30-йилларда Бухоро амирлиги бозорларидан русларни сиқиб чиқаришни режалаштирган бўлсалар, кейинчалик, 40-йиллардан Ўрта Осиё хонликларида ўзларининг сиёсий ҳукмронликларини ўрнатиш учун Россияга қарши уч хонликдан иборат иттифоқчи тузишга ҳаракат қиладилар. Улар бу борада ўз мақсадларига эришиш мақсадида бошқа халқлардан ҳам фойдаланадилар.

Масалан, Абдусамад Табризий Эрондан Афғонистон орқали Бухорога кириб келади. У Ҳиндистонда махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, Бухорога инглиз жосуслари томонидан ёлланиб юборилади. Мулла Олим Махдум ҳожи ўзининг “Тарихи Туркистон” асарида ёзишича, 1834 йили Абдусамад Табризий номли киши ва Амир Насруллонинг ишончига кириб, инглизлар нозоми тартибидаги мунтазам қўшин тузишга муваффақ бўлади. У ҳатто, ўзи тузган қўшин учун икки юзга яқин Эрон асирларини ҳам сотиб олади. Шунингдек, у инглиз намунасидаги тўплар қуйиш учун устахона ташкил қилади. Ушбу устахонада “бошқа уруш асбоблари ҳозирлаб, отларга таълим бериб, гарчанд адади оз бўлса ҳам яхши мунтазир аскар ихдос қилди”.

Абдусамад Табризий амирга садоқати туфайли тез орада шунчалик катта обрўга эга бўладики, ҳатто 1842 йилда Бухорода бўлган Н.Хаников уни амирликда таъсири энг юқори бўлган кишилардан бири сифатида қайд этади. Мирзо Олим Махдум ҳожининг таърифлашича “Абдусамадга ноиблик рутбаси берилиб, Амир Насрулло наздида мақбул, ғоятда эътиборлик бўлди.” 1842 йили Бухорода бўлган рус элчиси К.Бутенев 26 август кунини Абдусамадникига борганини ва у ерда полковник Стоддартни учратганини ҳамда унга инглизларнинг Россиядаги элчиси томонидан жўнатилган мактубни топширганини, шу куннинг ўзидаёқ маркиз Кленрикард номига жавоб мактубини олганлиги ҳақида ёзади.

XIX асрнинг 30-йилларига келиб Россия империяси Ўрта Осиё бозорларида саноати анча ривожланган Англия билан тўқнаш келади. Натижада бу ҳолат Россиянинг Ўрта Осиёга, хусусан, Бухорога нисбатан олиб бораётган сиёсатида катта таъсир кўрсатган эди.

Руслар ва инглизларнинг Ўрта Осиё хонликларида нисбатан ўз манфаатлари бор эди. Улар шу мақсадда минтақада ўз таъсирини кучайтиришга қатъий интилиб, ҳудуд ҳақидаги керакли маълумотларни йиғишга зўр бердилар. Ўз навбатида Эрон ҳам Буюк Британиянинг Шарқдаги босқинчилик юришларини амалга оширишда трамплин сифатида муҳим эди. Зеро, бу мамлакт ҳудуди, айниқса унинг жанубий қисми Британия таъсиридаги Кичик Осиёни Ҳиндистон билан бирлаштириб турувчи етишмаётган бўғин вазифасини ўтар эди.

Бу даврда Россиянинг Шарқдаги манфаатлари иқтисодий сиёсат билан боғлиқ бўлиб, унинг моҳияти чет эл капиталини кенг жалб этиш орқали меҳнаткаш оммани талон-торож

килишни кучайтириш ҳисобига капиталистик саноатлаштиришни кучайтиришдан иборат эди. Ташқи сиёсатдаги ушбу иқтисодий дастур Россия империясининг шарқий чегараларидаги бозорларни ўзлаштириш учун бўлган курашда ўзини намоён қилди.

Таъкидлаш жоизки, русларнинг Усманийлар давлати ва инглизлар билан бўлган жанглардаги мағлубияти уларнинг Шарқдаги ҳаракатлари сезиларли даражада фаоллашувига олиб келади. Бундан ташқари, Россиянинг Ўрта Осиёга бўлган қизиқишларининг ортишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган. Биринчидан, дипломатик музокаралар русларнинг Болқон яримороли ва Европадаги ҳаракатларини чеклаб қўяди. Иккинчидан, инглизлар Ҳиндистон устидан ҳукмронлик қилар экан, руслар босим ўтказиш мақсадида ўз эътиборини жанубий чегараларга қаратади. Учинчидан, Россиянинг иқтисодий манфаатлари Жанубий Осиё бозорларига ва Ҳиндистон яриморолининг жануби-ғарбий қисмига йўл топишига қаратилган эди. Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида Транскаспий темир йўлини куриш ҳақида қарор қабул қилинади.

Нодиршоҳ ҳукмронлиги йилларда руслар ва инглизлар “Руски” савдо ташкилоти доирасида ўз фаолиятини бошлайди. Нодиршоҳ Хивани босиб олгач, у бу ерда ушбу ташкилот вакиллари – инглизлар ва русларни учратади. Хонавийнинг қайд этишича, Нодиршоҳ инглизлардан Томпсон ва Хогга алоҳида ҳурмат кўрстиб, ғамхўрлик қилган. Шунингдек, Нодиршоҳ ўнта рус фуқаросини асирликдан озод қилиб, ўз юртларига етиб олишлари учун ҳар бирига 50 рублдан пул ва биттадан от беради. Рус фуқароси Жонаев исмли татар ёрдамида улар Самарага соғ-саломат етиб оладилар.

Инглизлар ўзларининг Шарқдаги мустамлакалари – Ҳиндистонни сақлаб қолиш мақсадида шу даврда Англиянинг геосиёсий мақсадларини амалга ошириши учун муҳим бўлган асосий давлатлардан бири Афғонистонга алоҳида эътибор қаратади. Афғонистон шу даврда Ҳиндистон билан дўстона муносабатда бўлиб, Британияга қарши кучлар таъсири доирасига тортилмаган эди. Шунинг учун инглиз ҳукумати русларнинг Ўрта Осиёга кириб келишларига қаршилик кўрсата олмайдилар. Техронга келган инглиз элчиси, Ост Индия компанияси вакили, подполковник сэр Жон Малькольм ўз ҳукуматига мурожаат қилиб, Ўрта Осиё хонликлари билан дўстона муносабатлар ўрнатиш лозимлигини таъкидлайди. У, шунингдек, Хивани Ҳиндистон мудофаасининг асосий таянч ҳудудлари саналган Ҳирот ва Марв вилоятларига ҳужумдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этади. Бинобарин, айнан унинг қатъиятли ҳаракатлари инглиз ҳукумати томонидан Ўрта Осиё хонликлари билан дўстона муносабатлар ўрнатиш учун бир гуруҳ зобитлар юборилишига сабаб бўлган.

Инглизлар Ҳиндистон ва унинг хавфсизлигига жиддий эътибор қаратишлари баробарида, имконият туғилиши биланоқ Ўрта Осиёга ҳам ўз таъсирларини ўтказиш ниятида эдилар.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, кўриб чиқилган даврда минтақадаги геосиёсий вазият ўзининг энг қалтис паллаларидан бирини бошдан кечираётган эди, дейиш мумкин. Минтақа давлатлари икки томонлама, агар Эронни ҳам қўшадиган бўлсак, уч томонлама босим ва таъсир остига тушиб қолган эди. Буюк Британия ва Чор Россияси ўртасида минтақани ўз таъсир доирасига тортиш учун ошкора ва махфий курашлар бошланган, минтақа давлатлари эса бу пайтга келиб жаҳон тараққиётидан узилиб, ўз қобиғига ўралиб қолган, дунёда кечаётган воқеалардан аксар беҳабар, хабардор бўлганлариниям соғлом мушоҳада этишдан йироқ, қарахтлик даврини бошдан кечираётган эди. Чор Россияси истилочилик ҳарактларига қутқу Хива хонлигидаги ички зиддиятлар ҳамда Хива-Бухоро муносабатлари оқибатида солинганлиги тарихий ҳақиқат эканлигидан эса кўз юмиб бўлмайди. Ана шундай вазиятда нозик дипломатия, вазиятдан давлат ва миллат манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уриниш, рақибларни ўзаро тўқнаштириш эвазига бўлса-да, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш пайдан бўлиш, жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ақалли Усманийлар давлати орқали алоқа боғлаб, замонавий қурул-яроғлар харид қилиш, ҳарб илмини эгаллаш, мутаасибликдан воз кечиб, дунёга, илм-фан тараққиётига кенг йўл очиш бирдан-бир нажот йўли эди. Афсуски, тарихий жараён бунинг аксидан гувоҳлик беради ва орадан кўп ўтмасдан бу қарахтлик ва жаҳолатнинг аччиқ меваси босқин ва мустамлака зулми тарзида ўзини намоён этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Никонов О.А. Политика Российской Империи на Среднем Востоке во второй половине XIX в. – М.: Прометей, 2015. – С. 4.
2. История народов Узбекистана. – Т. II. От образования государства Шейбанидов до Великой октябрьской социалистической революции. – Ташкент: АН УзССР, 1947. – С. 215.
3. Conolly Arthur. Journey to the North of India: Overland from England, Through Russia, Persia, and Affghaunistan. In two volumes. Vol. I. – London: R. Bentley, 1838. – P. 232-233.
4. Борнс Александр. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом по предписанию высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индской компанейской службы, Александром

Борнсом, членом Королевского общества. – Т. 1 / издание П. В. Голубкова, действительный член Русского Географического общества; [перевел с английского Георг Мин]. – Москва: Университетская типография. Т. 1. 1848. – С. IV.

5. Wolff Joseph. Narrative of a Mission to Bokhara, in the Years 1843-1845: To Ascertain the Fate of Colonel Stoddart and Captain Conolly. – New York: Harper & Brothers, 1845. – P. 272.

6. Рожкова М.К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – М: Академия наук СССР, 1949. – С. 219.

7. Moorcroft W., Trebeck G., Wilson H.H. Travels in the Himalayan provinces of Hindustan and the Panjab; in Ladakh and Kashmir; in Peshawar, Kabul, Kunduz, and Bokhara from 1819 to 1825. – Vol I. – London: J. Murray, 1841. – P. XXII-XVII.

8. Борнс Александр. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом по предписанию высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индской компанейской службы, Александром Борнсом, членом Королевского общества. – Т. 1-3 / издание П. В. Голубкова, действительный член Русского Географического общества; [перевел с английского Георг Мин]. – Москва: Университетская типография, 1848-1849. – Т 2. 1848. – 502 с. – Т 3. 1849. – 628 с

9. Мухаммаджонов А., Неъматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Т.: Фан, 1957. – Б. 67.

10. Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изохлар муаллифи Ш.Воҳидов. Араб ёзувидан таъдил Ш.Воҳидов, Р.Холиқова. Масъул муҳаррир З.Чориев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 184.

11. Ханыков Н.В. Описание Бухарского Ханства. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1843. – С. 232.

12. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годъ. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 24.

13. Хашеми Ракаванди Сейед Эсмаил. Отношения Ирана с ханствами Мавераннахра в XVIII – начале XX века. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Душанбе. 2011. – С. 104.

14. Кулагина Л.М. Экспансия иностранного империализма в Иран и превращение его в полуколонию (70-е годы XIX-начало XX в.) // Очерки новой истории Ирана (XIX-XX в.). – Москва: Наука, 1978. – С. 123.

15. Шаббани Риза. Краткое изложение истории Ирана в период в правлении Афшаров и Зандия. – С. 607-608

16. Жон Малькольмнинг 1799 ва 1802 йилларда Эронга элчи бўлиб келган. Батафсил қаранг: Malcolm John. Sketches of Persia, from the Journals of a Traveller in the East. In two volumes. – Vol I, II. – London: John Murray, 1827. – 280 p., 282 p.; The History of Persia: From the Most Early Period to the Present Time: Containing an Account of the Religion, Government, Usages, and Character of the Inhabitants of that Kingdom. In two volumes. – Vol I, II. – London: John Murray, 1829. – 556 p., 590 p.

17. Очилдиев Ф.Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: Abu matbuon-konsalt. 55–108.

18. Sagdullaev A.S., Ochildiev F.B., Kholikulov A.B., Shaydullaev S.A., & Erkinovich T.J. (2020). Problems of cartography of ancient ethno-cultural processes in central asia. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(4), 745–748.

19. Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(1), 723-729.

20. Ахмаджон Холикулов (2021). Некоторые комментарии к двусторонним отношениям Бухарского ханства и Российского царства. Общество и инновации, 2 (10/S), 561-571.

21. Kholikulov, A History Of Handicrafts Of Kashkadarya Oasis In The XIX-Early XX Centuries. (2020) The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2 (11), 30-35.

22. Kholikulov, A. B. (2019). Bukhara emirate's farming in the XIX-XX centuries (in the case of Kashkadarya oasis stables). ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (72), 546-549.

23. Fayzulla, Ochildiev. “The Craftsmanship Of The Emirate Of Bukhara At The Second Half Of The XIX Century-The Beginning Of The XX Century”. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research 2, no. 11 (2020). – PP. 33–38.

24. Ахмаджон Холикулов (2021). Некоторые комментарии к двусторонним отношениям Бухарского ханства и Российского царства. Общество и инновации, 2 (10/S), 561-571. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss10/S-pp561-571

25. Kholikulov, A. B. (2019). BUKHARA EMIRATES FARMING IN THE XIX-XX CENTURIES (IN THE CASE OF KASHKADARYA OASIS STABLES). *Theoretical & Applied Science*, (4), 546-549.
26. Kholikulov, A., & Nematov, O. N. (2020). The Role Of The Principalities Of The Kashkadarya Oasis In The Political History Of The Bukhara Emirate In The XIX-Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(11), 79-85.
27. Sagdullaev, A., Ochildiev, F., Kholikulov, A., Shaydullaev, A., & Togaev, J. (2020). Problems Of Cartography Of Ancient EthnoCultural Processes In Central Asia. *INTERNATIONAL JOURNAL OF-SCIENTIFIC-& TECHNOLOGY RESEARCH*, 9(04), 745-748.